

АХБОРОТ-КУТУБХОНА РЕСУРСЛАРИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ

Г.Исмаилова

Бобур номидаги Андижон вилоят

ахборот-кутубхона маркази

директори


Мамлакатимиз аҳолисига ахборотдан эркин ва тўлиқ фойдаланиш имкониятлари йил сайин кенгайиб бормоқда. Республика глобал ахборот тизимининг муҳим қисми ҳисобланган кутубхоналар аҳолининг ахборот-кутубхона ресурсларидан фойдаланишини таъминлаш учун жалб этилган. Бугун кутубхоначилик соҳасида жуда катта ўзгаришлар юзага келди, кутубхоналарда янги-янги имкониятлар эшиги очилди.

Ахборот-кутубхона фаолиятини автоматлаштириш, фойдаланувчиларга замонавий ахборот-технологиялари ёрдамида тезкор ва сифатли хизмат кўрсатиш, ахборот-кутубхона ресурсларини рақамлаштириш, электрон кутубхона ва йиғма электрон каталогни шакллантириш, махсус дастурий таъминот тизимларида ишлаш, улардан масофадан туриб фойдаланишни ташкил қилиш каби масалалар кутубхоналар олдидаги асосий вазифаларга айланганлигини кўришимиз мумкин.

Шу ўринда Бобур номидаги Андижон вилоят ахборот-кутубхона марказида яқин 4-5 йилдаги ўзгаришлар кишини ҳайратга солади. Кутубхонада жаҳон андозаларига мос равишда рақамли кутубхоналар барпо этиш борасида ишлар амалга оширилмоқда. Умумий ва локал фойдаланиш учун мўлжалланган дастурий технологик воситалар комплекси ёрдамида электрон хужжатлардан иборат тартиблаштирилган фондни яратиш ишлари авжида. 2020-2024 йиллар давомида ахборот-кутубхона маркази жамғармасининг электрон каталогини ҳамда республика йиғма электрон каталогини яратиш бўйича самарали ишлар ташкил қилинди. Бугунги кунга келиб кутубхона жамғармасидаги мавжуд адабиётларнинг 62654 таси электрон каталогга киритилди.

Электрон каталогнинг шакллантирилиши


Библиографик ёзувлар сони



Китобхонларга хизмат кўрсатишда замонавий ахборот-коммуникация ҳамда инновацион технологиялар жадал суръатларда тадбиқ этилиши натижасида ахборот-кутубхона маркази электрон кутубхонасида медиа ва маълумотлар базаси шакллантириб, интернет маконининг маҳаллий ва хорижий платформаларида миллий электрон кутубхона нашрларини танлашга имконият яратилмоқда.

Марказ электрон маълумотлар базасини ривожлантириш, китобхонларга керакли ахборот ва маълумотларни тезкор ва сифатли тақдим этиш мақсадида китоб жамғармасидаги мавжуд босма нашрларнинг 24821 номда рақамлаштирилиб, китобларнинг тўлиқ матнли электрон нусхалари яратилди. Бундан ташқари китобни, мутолаани тарғиб қилувчи турли мультимедия маҳсулотлари (аудио эртаклар, ривоятлар, видеороликлар, буктрейлерлар, буксламлар, КР кодли китоблар) яратилиб ижтимоий тармоқлар орқали китобхонлар эътиборига хавола қилинмоқда.

Ахборот-кутубхона ресурсларини рақамлаштириш




Босма нашрларни рақамлаштириш хизмат кўрсатиш сифатини оширишга кенг имконият яратмоқда.

Китобхонларининг бугунги талабларини, қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда янада кенгроқ, тизимли ахборот билан таъминлаш учун китоб жамғармаси айнан фойдаланувчиларнинг сўровлари асосида тўлдириб борилмоқда. Хозирда ахборот-кутубхона маркази жамғармасида жами 899783 ахборот ресурслари мавжуд бўлиб, улардан китоблар 543990 нусхани ташкил этади. 2020-2024 йиллар мобайнида марказ китоб жамғармаси 21815 нусха адабиётлар билан бойитилди.





Фонднинг тўлдирилиши

Китоблар (нусхада)



Замонавий ахборот технологиялари билан таъминланган кутубхонада hozirda амалга оширилган иш тажрибаларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва фаолиятга қўллаш электрон кутубхоналарни шакллантириш ишларини янада ривожлантиришда катта натижа бериши аниқ. Шунинг учун йил сайин кутубхонанин замонавий технологиялар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Замонавий ахборот технологиялари билан таъминланиши




Китобхонларимизнинг 75 фоизига яқинини ёшлар ташкил этади. Демак ахборот-кутубхона марказига илм-фан янгиликларидан баҳраманд бўлиш, китоб мутола қилиш, ўз интеллектуал қobiliятларини ривожлантириш мақсадида ёшлар кўп ташриф буюришади. Ёшларимизни замонавий билимлар билан қуроллантириш кутубхона, кутубхоначининг асосий вазифаси бўлиши керак.

Шу ўринда, яна рақамларга мурожаат қиламиз. 2020 йилда ахборот - кутубхона марказининг фойдаланувчилари 19612 нафарни ташкил этган бўлса 2024 йил якунида уларнинг сони 61542 нафарни ташкил этди. Демак, бугунги шиддат билан

ривожланаётган ахборот технологиялар асрида, керакли маълумот ёки ахборотни хоҳлаган жойда тезкор олиш имкониятлари яратилган даврда ҳам кутубхона энг рақобатбардош муассасага айланганлигини тан олишимиз керак.

Фойдаланувчиларнинг ўсиши



Йил сайин фойдаланувчиларнинг сони, қизиқишлари, талаблари, эҳтиёжлари ортиб бормоқда. Шунинг алоҳида таъкидлашимиз керак-ки марказда инновацион жараёнларнинг фаоллашуви яъни ахборот коммуникация технологиялари, интернетнинг жадал жорий этилиши фойдаланувчиларни жаҳон ахборот ресурсларига эркин кириб боришини таъминламоқда. Бугун кутубхонага келган китобхон нафақат кутубхонанинг ананавий ва электрон маълумотлар базасидан, балки, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг ҳамда республиканинг 14 та вилоятидаги барча ахборот-кутубхона марказларининг тўлиқ матнли электрон базасидан фойдаланиш имкониятига эга. Бундан ташқари бутун жаҳонга машҳур ривожланган хорижий давлатлар кутубхоналари электрон базаларидан ҳам фойдаланиш учун шароитлар яратилган. «EBSCO Information Services» хорижий лицензион тўлиқ матнли илмий-таълимий базаси, ProQuest Dissertations & Theses Global хорижий лицензион тўлиқ матнли диссертациялар базаси, Springer Nature компаниясининг тўлиқ матнли электрон базаси шулар жумласидандир.

Яна рақамларни таҳлил қиладиган бўлсак электрон кутубхонада янги хизмат турларининг жорий қилиниши, марказнинг 3 тилдаги веб саҳифаси ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали хизмат кўрсатилиши натижасида электрон библиотекада фойдаланувчилар сони, масофадан туриб хизмат кўрсатиш ҳамда

уларга электрон ресурслардан ахборот берилиши ҳам йил сайин ортиб бораётганини кўрамиз.

Электрон ресурсларни берилиши



Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки ахборот-кутубхона маркази фаолиятида хизмат кўрсатишнинг янада янги замонавий шакллари қўллаб, замонавий янги технологияларини жорий қилиб, ўзаро ҳамкорликни юқори даражага кўтариб, ахборот-кутубхона ресурсларидан самарали фойдаланишни тизимли тарзда йўлга қўйиб, миллий ва жаҳон ахборот жамиятида ахборот-кутубхона муассасаларининг ўз ўрнини эгаллашига фурсат етганини хис қилган ҳолда олдимизга истиқболли режаларни тузиб, илғор ғоя ва ташаббуслар билан ижобий натижаларга эришиш мумкин.